



## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Кенжаев Жасур

ИИВ Академияси Малака ошириш институти  
Махсус-касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7386519>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 29<sup>th</sup> November 2022

Online: 30<sup>th</sup> November 2022

### KEY WORDS

Конституция, жамоат хавфсизлиги, ислохотлар, ҳуқуқ.

### ABSTRACT

Мақолада юртимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг ижтимоий зарурати, шунингдек, мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари илмий таҳлил этилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишларнинг янги босқичида халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, барчанинг фикрини билиш, дардини эшитиш ва ҳақиқий ҳаётга мос бўлган халқчил стратегияни амалга оширишнинг ҳосиласи сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан адолат тамойили кун тартибидаги энг устувор масалалардан бири сифатида илгари сурилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг

жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрли учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклармоқда[1].

Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини тартибга солувчи, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг поғонали мутаносиблигига мувофиқ қонунчилик тизимида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси устувор аҳамият касб этади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатнинг бош қомуси, асосий қонуни сифатида миллий қонунчилик, шу жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланиши,



хусусан, тизимлаштирилиши учун муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Конституция дунё сиёсий харитасида янги суверен демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси қарор топганлигини қонунийлаштирди. Бутун жаҳон аҳлига халқимизнинг хоҳиш-иродаси баён қилиниб, унда ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар осойишталиги ҳамда миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби олийжаноб ниятлар эълон қилинди. Бир сўз билан айтганда, конституция олий даражадаги қонун сифатида давлатнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Конституциямизнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим аҳамиятини англашдан аввал “хавфсизлик”, “хавф-ҳатар”, “таҳдид”, “жамоат хавфсизлиги”, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасининг объекти, предмети ва субъектларига қисқача таъриф бериб ўтамиз. Хавфсизлик тушунчасига кўплаб адабиётларда изоҳлар келтириб ўтилган, хусусан Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “хавфсизлик - хавф-ҳатарнинг йўқлиги; хавф бўлмаган ҳолат”; “хавф (кўрқинч, кўрқиш, ваҳима, хадиксираш)

– бирор хатарли ҳодиса ёки фалокат содир бўлиш эҳтимоллиги, хатар”; “хатар (хавф, таҳлика, ваҳима, хавотир)” – бирор бахтсизликка, ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит. Хавфсизлик – бу ҳаётий муҳим манфаатларнинг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати. Хавф-ҳатар турли хил ташқи (ички) омиллар (материя, майдон, энергия, ахборот ёки уларнинг бирлашмаси ва бошқалар)нинг мураккаб тизимларга (мисол учун инсонга) таъсири натижасида унинг фаолияти ва ривожланишининг ёмонлашишига ёки тўхтатилишига олиб келиш ҳолати[2].

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ҳуқуқий таъминлашни ўзида мужассам этган қонун ҳужжатлари тизимида конституциявий нормалар ўзига яраша алоҳида ўрин ва аҳамият касб этиб қуйидагиларга намоён бўлади:

Биринчидан, Конституциянинг Асосий қонун сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидаги устувор ўрин эгаллаши, авваламбор, Конституциямизнинг ўзида, хусусан, унинг 15-моддасидаги Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олиниши ҳамда 16-моддаси иккинчи қисмидаги бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида мазмунидан келиб чиқади[3].

“Дарҳақиқат Конституцияда жамият ривожланишининг бош стратегияси, устувор йўналишлари, давлат умумий ва ҳуқуқий сиёсатининг мазмун-



моҳияти ўзининг қонуний ифодасини топади. Конституция жамият сиёсий етуқлигининг, маърифий-ҳуқуқий савиясининг, турли ижтимоий-сиёсий кучлар мувозанатининг натижаси, маҳсулидир”[4].

Конституцияни аксар ҳолларда давлатнинг Асосий Қонуни деб атаб, унинг ҳуқуқий тартибга солиш тизимида алоҳида ўрин тутишига эътибор қаратадилар. Конституция замонавий ҳуқуқий давлатнинг юридик ҳаётини белгилаб берувчи ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос ўзаги, пойдевори, ҳисобланади. Конституция норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида замонавий демократик давлатнинг ҳуқуқий тизимида алоҳида ўрин тутди ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан яратилиш техникасининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзаро узвий боғлиқ бўлган белгилар мажмуи билан фарқланади[5].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ норма Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари берилган 93-моддасининг 19-бандида акс этган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиши ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига

киритиши мумкин. Ваҳоланки ушбу норма жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи фавқулодда вазиятлар содир бўлган ҳолатларда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция доирасида ўз ваколатларини амалга оширишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий махсус қоидалар ҳам мустаҳкамланган ҳамда Асосий қонунимизнинг 3, 33, 35, 43, 57, 64, 70, 78, 93, 98, 125 ва 126-моддалари мазмунида келтириб ўтилган. Унда Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятининг элементларини ўзида мужассам этган нормалар ифодаланган, хусусан, давлат чегараси ва ҳудудининг дахлсизлиги(3-модда, 2-қисм), фуқароларнинг митинг, йиғилиш ва намойишлар ўтказиш билан боғлиқ сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш (33-модда), ҳар бир шахснинг ваколатли давлат органига мурожаат қилиши, ҳамда уларнинг мурожаатлари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши(35-модда), давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши(43-модда), конституциявий тузумни ҳимоя қилиш (57-модда), давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши (64-модда 2-қисм) (Миллий гвардия томонидан вояга



етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси), Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофаза этилиши(70-модда 2-қисми), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаши (78-модда 19-банди), фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат ва табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда инсонлар хавфсизлигини таъминлаш (93-модда, 19-банд), давлатнинг ижро тизимини ривожлантириш (98-модда), аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳамда мамлакат мудофаасини ташкил этишда кўмаклашиш (125-126-моддалар) каби фаолияти тартибга солинган.

Конституциямизнинг 43-моддасида “давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” ҳамда 23-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади” дея таъкидлаб ўтилган. Бундан келиб чиқадикки, фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўзини хавфсиз ҳис қилишлари учун замин бўлиб хизмат қиладиган шахс ва жамоат

хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғи, эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолардан ҳимоя қилишга қаратилган концептуал янги ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминловчи органларнинг конституциявий-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги ролини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- Конституцияда “хавфсизлик”, “жамоат хавфсизлигини таъминлаш” “жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар иштироки” масалалари алоҳида қоида сифатида киритилиши керак. “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими жамоат хавфсизлигини ижтимоий мақбул бўлган даражада сақлаб туришга қаратилган сиёсий, ҳарбий, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, илмий ва бошқа чоралардан иборат”лигини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

- жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги асосий принциплари – қонунийлик, шахс, жамият ва давлат манфаатларига риоя этиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш лозим.

Юқоридаги таклифларнинг амалга оширилиши жамоат хавфсизлигини таъминловчи органлар фаолиятини



янада такомиллаштиришга, хавфсизлик ва жамоат хавфсизлигини самарали,

ишончли таъминлашнинг даражаси оширилишига хизмат қилади.

## References:

1. <https://lex.uz/uz/docs/5749291>
2. А.Мадвалиев, Ўзбек тилининг изоҳли луғати (A.Madvaliyev, Annotated dictionary of the Uzbek language) // “Ўзбекистон Миллий инциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006- 2008-йиллар // [https://www.n.ziyouz.com/books/uzbek\\_tilining\\_izohli\\_lugati/](https://www.n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/)
3. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // lex.uz (murojaat sanasi 09.08.2022 yil)
4. Одилқориев Х.Т. Қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсат: шаклланиши ва амалга оширилиши // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – Тошкент, 2015. – №2. – Б.5. (Б.3-9)
5. Бундай белгилар сирасига Конституцияни қабул қилувчи субъект ҳуқуқий мақоми, уни қабул қилиш ва ўзгартиришнинг ўзига хос тартиби, конституциявий кўрсатмаларнинг таъсисчи, бирламчи хусусияти, олий юридик кучи ва бошқалар кўрсатилади. Бу ҳақда қаранг: Чухвичев Д.В. Законодательная техника. 2-е изд. – М.: Закон и право, Юнити, 2012. – С.62-67.